



ТАНОСИЛ ЁКИ ОИВ КАСАЛЛИГИ/ОИТСНИ ТАРҚАТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Курамбаев Тохир Хосинбаевич

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Тергов фаолияти
кафедраси бошлиғининг ўринбосари, ю.ф.б.ф.д. (PhD)
<https://doi.org/10.5281/zenodo.16927492>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 10-Avgust 2025 yil
Ma'qullandi: 15- Avgust 2025 yil
Nashr qilindi: 22- Avgust 2025 yil

KEYWORDS

таносил, ОИВ, ОИТС, юқумли,
жинсий, вирус, донор,
касаллик, экспертиза,
иммунитет, синдром,
терговни
такомиллаштириш..

ABSTRACT

Мақолада таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТС тарқатиш билан боғлиқ жиноят ишларини тергов қилишнинг ҳозирги кундаги ҳолати, тергов амалиётида учраётган айрим муаммоли ҳолатлар ва йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар, мазкур муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан асослантилган таклифлар ишлаб чиқилган. Шу билан бирга ушбу турдаги жиноят ишларини тергов қилишни такомиллаштириш зарурати асослантилган.

XXI асрда жаҳон ҳамжамияти олдида турган долзарб муаммолар қаторида ОИВ касаллиги/ОИТС ва унга қарши курашиш алоҳида ўрин тутаяди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозир дунёда ОИВ инфекциясидан азият чекаётган 40 миллионга яқин бемор бор. Уларнинг сони йилига ўртача 1,5 миллион нафарга кўпаяётганини, энг ёмони, хасталик ҳар йили 600 мингдан зиёд кишининг ҳаётига зомин бўляпти таъкидлаш жоиз. **Умуман, Ер юзида ОИТС эпидемияси бошлангандан буён 75 миллион одам ушбу дардга чалиниб, 32 миллион нафардан ортиғи вафот этган** [1]. Ўзбекистонда 48 мингдан ортиқ шахсда ОИВ касаллиги аниқланган бўлиб, касалликка чалинганларнинг 55 фоизини эркеклар, 45 фоизини аёллар, 14 фоизини эса 18 ёшга тўлмаган болалар ташкил этади. [2] Бу эса ушбу турдаги жиноятлар сони кундан кунга кўпаяётганлигидан дарак беради. Мазкур муаммолар таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш билан боғлиқ жиноятларга самарали қарши кураш, ушбу турдаги жиноятларни иссиқ изидан очиш ва сифатли тергов қилиш механизмларни яратиш каби масалаларга чуқур ёндашувни талаб қилишини кўрсатади.

Ўзбекистонда 2022–2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” асосида инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш, мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантиришга қаратилган изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, расмий маълумотларга кўра, мамлакатимизда таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш жинояти йилдан йилга ошиб бораётганлиги, хусусан бу кўрсаткич 2019 йилда 56 тани ташкил этган бўлса, 2020-2021 йилларда эса

қарийб уч баробарга ошган, яъни 145-146 тани, 2022 йилда эса 180 тани ва 2023 йилнинг 4 ойи давомида эса 93 тани ташкил этган. [3]

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёевнинг 2023 йил 20 январь кунги “Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касалликка қарши курашиш тизимини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-14-сон қарорида 2030 йилга бориб ОИВ эпидемиясига барҳам бериш учун «95-95-95» стратегияси илгари сурилганлиги ва унинг доирасида ОИВ инфекциясини юқтириб олган шахсларнинг 95 фоизи ўз мақомини билишлари, махсус даволаш курслари билан қамраб олиниши, 95 фоизининг қонида вирус юкламаси аниқланмайдиган даражага тушиши кераклиги келгусидаги мақсад сифатида белгилаб қўйилди. [4]

Ҳозирги кунда тергов амалиётида таносил ва ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда бир қанча муаммоли ҳолатлар учрамоқда. Жумладан, ушбу касаллик билан гумон қилинган ёки алоҳида тоифадаги шахсларни тегишли тартибда тиббий текширувдан ўтказиш, касаллик аниқланган тақдирда беморлар билан тегишли суриштирув ишларини олиб бориш, уларни мазкур касалликни ўзгага тарқатганлик учун жиноий жавобгарлик ҳақида огоҳлантириш, айбдор шахсларнинг айбини тасдиқловчи далилларни тўплаш ва уларни ишга қўшиш каби масалалар бўйича тегишли илмий тадқиқот ишларини олиб бориш зарурати юзага келмоқда.

Шу боис, таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш билан боғлиқ жиноят ишларини тергов қилишни такомиллаштириш бўйича қуйидагилар муаммоли ҳолатлар ва уларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилмоқда:

Биринчидан, “Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида”ги қонунининг 2-моддасида “Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир” [5],- деб белгиланган бўлиб, айнан ушбу қонуннинг “Асосий тушунчалар” деб номланган 3-моддасида эса “**ОИВни юқтириб олган шахслар**”га таъриф берилган, бироқ унда ОИВни ўзгага юқтирган шахслар ҳақида таъриф берилмаганлигини кўришимиз мумкин.

Ваҳоланки, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 6 сентябрь кунги “Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекциясини олдини олиш чора-тадбирлари ва тиббий ёрдамни ташкил этишни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 219-сонли буйруғи ва бошқа қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам ОИВни ўзгага юқтирган шахслар тўғрисида сўз юритилади. Юқорида қайд этилган қонунда ОИВни ўзгага юқтирган шахслар ҳақидаги асоснинг келтирилиши кейинчалик ушбу хатти-ҳаракатларни содир этган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Шу боис мазкур қонунга қуйидагича таклиф ишлаб чиқилди:

“Таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни ўзга шахсга юқтирганлар - била туриб, ўзида аниқланган таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни расмий тарзда огоҳлантирилганидан сўнг уни ўзга шахсга юқтирган ёки юқтириш хавфи остида қолдирган шахслар”.

Иккинчидан, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 219-сонли буйруғида шахс тегишли текширувдан ўтгач, унда ОИВ касаллиги аниқлангач, унга ушбу касалликни ўзга шахсларга тарқатганлик учун жиноий жавобгарлик ҳақида огоҳлантириш тиббиёт ходими, яъни юқумли касалликлар шифокори зиммасига юкланган. Тиббиёт ходими беморга мазкур турдаги касалликлар ўзга шахсларга қандай ҳолатда ва қандай йўллар орқали юқиши ва шу каби тиббий жиҳатдан тўла маълумот бериши мумкин. Аммо, унда шифокор айнан шахсни қачон жавобгарлик ҳақида огоҳлантириши кўрсатилмаган. Шунингдек, бемор кейинчалик жиноят содир этганидан сўнг гўёки шифокорлар уни ЖКнинг 113-моддасида кўрсатилган жавобгарлик ҳақида огоҳлантирмасдан имзо қўйдиришганлиги ёки ўзгага ушбу касалликни юқишини олдини олиш бўйича етарлича тушунтиришлар беришмаганлиги ҳақидаги ўзининг важларини келтириши мумкин. Қолаверса мазкур ҳолат шахсга ўзининг жиноий фаолиятини давом эттириши ва қайта жиноят содир этишига имкон яратиши мумкин.

Жумладан, ЖИБ Тўрткўл туман судининг ҳукмига кўра, фуқаро “А” 2012 йил 13 сентябрь кун ОИВ касаллиги аниқланиб, орадан қарийб 3 ой 11 кун ўтгач, яъни 2014 йил 24 декабрь кун Қорақалпоғистон Республикаси ССВнинг Республика ОИТСга қарши курашиш маркази томонидан ОИВ инфекцияси ташхиси асосида рўйхатга олиниб, ОИВ касаллигини билгани ҳолда бошқа шахсга юқтирган ҳолатларда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 113-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилиши тўғрисида ёзма равишда огоҳлантирилган. Шунга қарамай, у 2020 йил 19 май кунги ИФА текшируви ва 2020 йил 25 май кунги ИБ текшируви натижаларига кўра, турмуш ўртоғи «Н» билан ҳимоя воситаларидан фойдаланмаган ҳолда жинсий алоқада бўлиб, унга ОИВ касаллигини юқтирганлиги аниқланган. Бироқ тергов даврида шифокорлар унга касалликнинг юқиш йўлларини тўлиқ тушунтиришмаганлигини баён қилган, аммо тергов даврида шифокорларни сўроқ қилиш, гумон қилинувчи «А» билан жабрланувчи «Н»нинг ўртасида ўтказилган юзлаштириш тергов ҳаракатлари ва шу каби далиллар асосида шахснинг ҳаракатлари ўз тасдиғини топган. Бундай ҳолатларда шахснинг айбдорлик масаласини қонуний ҳал этишда исботловчи далиллар етишмаслигини кўришимиз мумкин.

Зеро, 2017 йил 12 июндаги “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида суриштирув ва дастлабки терговни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 100-сонли буйруғининг 8-боб 54-банди “г” кичик бандининг биринчи хатбошисида жиноятларни фош этиш, тергов қилиш ва далилларни мустаҳкамлашда илғор услубларни қўллаш, замонавий криминалистик техника воситаларидан, ахборот коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш чоралари кўрилиши белгиланган. [6]

Шу боис, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 6 сентябрь кунги “Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекциясини олдини олиш чора-тадбирлари ва тиббий ёрдамни ташкил этишни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 219-сонли буйруғининг “Текширув натижасидан келиб чиққан ҳолда қулай хизматлар ҳақида маълумот бериш” номли саҳифасининг олтинчи хатбошисини “Таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТС мақомига эга бўлган шахснинг била туриб бошқа одамларга қасддан ушбу касалликларни юқтириш ёки юқтириш хавфи остида қолдирганлик учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 113-моддаси билан жиноий жавобгарлиги келиб

чиқиши тўғрисида касаллик аниқланган куннинг ўзида беморни таништириш ва ушбу жараёни тегишли тартибда видеотасвирга қайд этиб, уни тегишли тартибда сақлаш маслаҳатчининг вазифасига киради”, деб ўзгартириш киритиш таклиф этилади.

Учинчидан, соғлиқни сақлаш идораларининг берган маълумотларига кўра, шахслар таносил ёки ОИВ касаллигига қарши дастлабки текширувдан ўтгач, ўзида мазкур касалликнинг маълум бир белгиларини сезишгач, қўрққанлиги туфайли ёки жинойий жавобгарликдан қутулиш ниятида текширувдан кейинги масалаҳатга бормаслик ҳолатлари учрамоқда ва бу эса кейинчалик ушбу шахс ўзга шахсга касалликни юқтирган тақдирда уни жинойий жавобгарликка тортишни истисно қилишини англатади. Натижада ушбу шахс томонидан касалликни бошқа шахсларга ҳам тарқатиш каби салбий ҳолатларга ҳам олиб келиши мумкин.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 6 сентябрь кунги “Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекциясини олдини олиш чора-тадбирлари ва тиббий ёрдамни ташкил этишни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 219-сонли буйруғига 3-илова ОИВ инфекцияси аниқланган ҳолатларда эпидемиологик суриштирув олиб бориш қоидаларининг 4-хатбошисида ОИВ инфекциясини тасдиқловчи таҳлил натижаси олингандан сўнг, ОИТСга қарши курашиш марказининг эпидемиологик мониторинг бўлими ОИВ инфекцияси тасдиқланган шахс ҳақида беморнинг яшаш манзили бўйича ОИТСга қарши курашиш марказига, тестдан кейинги маслаҳат бериш, уни диспансер назоратига олиш ва касаллик ўчоғида профилактик чора-тадбирларни ташкил этишни сўраб хабарнома юбориши белгиланган.

Фикримизча, юқорида қайд этилган ҳолатда, яъни дастлабки текширувдан ўтган шахс текширувдан кейинги маслаҳатга келишдан бош тортган ёки атайлаб келмаган ҳолатда, кейинчалик ушбу шахсда касаллик аниқланиб, уни ўзга шахсларга тарқатган ҳолати аниқланганда унинг жинойий жавобгарлик масаласини қонуний тартибда ҳал қилиш учун унинг яшаш манзилига унда касаллик аниқланганлиги ва уни ўзгаларга юқтиришни олдини олиш чораларини кўриши юзасидан махсус почта хизмати орқали хабар жўнатиш ҳамда ушбу шахснинг шахсий телефон рақамига смс орқали бу ҳақида хабардор қилиш тартибиди жорий этиш мақсадга мувофиқ. Бу эса кейинчалик шахснинг жинойий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилганлиги ҳамда унинг айбини исботлашда етарли далил сифатида фойдаланилиши мумкин.

Шу боис, 219-сонли буйруғига 3-илова “ОИВ инфекцияси аниқланган ҳолатларда эпидемиологик суриштирув олиб бориш қоидалари”нинг

4-хатбошисига “ОИВ инфекцияси тасдиқланган шахс ҳақида беморнинг яшаш манзили бўйича ОИТСга қарши курашиш марказига” деган сўзлардан сўнг “унинг яшаш манзилига ҳамда уяли телефон рақамига смс хизмати орқали” деган сўзларни қўшиш таклиф қилинади.

Тўртинчидан, “Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида” ги Қонуннинг 16-моддасига кўра, “Текширувдан ўтаётган шахсни ғайририхтиёрий равишда ОИВга тиббий текширувдан ўтказиш қонунчиликда белгиланган тартибда унинг розилигисиз ёки қонуний вакилининг розилигисиз терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг

қарорига ёки суд ажримига кўра амалга оширилади” [7], деб белгилаб қўйилган. Ҳозирги вақтда тергов амалиётида таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш жиноятдан ташқари жинсий эркинликка қарши жиноятлар

(ЖК 118, 119, 120, 121-моддалари), ахлоққа қарши жиноятлар

(ЖКнинг 128, 128¹, 131-моддалари), шахснинг озодлигига қарши жиноятлар (ЖКнинг 135, 136-моддалари) бўйича жабрланувчи, гумон қилинувчи ва айбланувчиларни таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСга қарши текширувдан ўтказиш заруратини юзага келтирмоқда. [8] Терговга қадар текшириш босқичи ва тергов босқичида юқорида қайд этилган туркумга кирувчи жиноятлар бўйича жиноятдан жабр чеккан ва бошқа шахсларни таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСга қарши текширувдан ўтказиш ҳолатлари мавжуд ёки мавжуд эмаслигига бўйича олинган статистик маълумотларга кўра, ушбу турдаги жиноят ишлари бўйича 95 фоиз ҳолатда шахслар текширувдан ўтказмаётганлиги, атиги 9 фоизигина фаолияти давомида умуман бундай муаммога дуч келмаганлигини қайд этиганлиги аниқланди. [9]

Ўтказилган таҳлиллар жиноят иши кўзғатилгунига қадар тергов ва процессуал ҳаракатларни ўтказиш учун жиноятдан жабрланган ёки бошқа ишга алоқадор шахсларни тегишли тартибда ОИВ касаллиги/ОИТСга қарши тиббий текширувдан ўтказилмасдан қолаётганлиги ёки ундан бош тортган шахсларга нисбатан бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш имконияти мавжуд эмаслиги сабабли, таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш, шунингдек ЖК 118, 119, 120, 121, 128, 128¹, 131, 135, 136-моддаларида кўрсатилган терговга қадар текширув материаллари ва жиноят ишлари бўйича олиб борилаётган терговга қадар текширув, дастлабки тергов ва суриштирув жараёнида аксарият ҳолатларда тегишли процесс иштирокчилари таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСга қарши текширувдан ўтмасдан қолмоқда. Бу эса кейинчалик ушбу касалликни ўзга шахсларга тарқатилиши оқибатида яширин жиноятларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Жумладан, Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанция судининг ажримига кўра, фуқаро “А” исми шахс 2016 йил 7 мартда ОИТСга қарши курашиш маркази томонидан ОИВ касаллиги билан яшовчилар умумий рўйхатига ва “Д” назоратга олиниб, Тошкент шаҳар ОИТСга қарши курашиш маркази томонидан шахсни ўзга шахсларга ОИВ инфекциясини юқтирганлик учун жинсий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилганига қарамасдан, эркак жинсдаги шахслар билан зўрлик ишлатмасдан жинсий эҳтиёжини қондириш мақсадида 2020 ва 2021 йиллар давомида ўзи мантазам яшаб келаётган “Ч” исми шахс билан “Hornet-LGBT” дастури орқали танишиб, у билан зўрлик ишлатмасдан, ҳимояланмаган ҳолда жинсий алоқа қилиб, иккаласи бесоқолбозлик билан шуғулланиб, жинсий эҳтиёжларини қондиришлари оқибатида, “Ч” исми шахсга ОИТСни юқтирган. [10]

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 58-моддасида таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСга учраганлиги ҳақида етарли маълумотлар бўлган шахсларнинг соғлиқни сақлаш органлари томонидан огоҳлантирилганидан кейин ҳам текширувдан бўйин товлаши учун жавобгарлик белгиланган, холос. [11]

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 58-моддасининг шарҳига назар ташлайдиган бўлсак, бемор тиббий кўриқдан бўйин товлади, деб ҳисоблашга асос бўладиган маълумотлар соғлиқни сақлаш органларининг, дастлабки тергов, тергов

ёки суд органларининг хабарлари ва касалланиш манбаи ёки бемор билан алоқада бўлган ва у яширган шахслар аниқлангани ҳақидаги бошқа маълумотлар (башарти бу маълумотлар ҳолисона тасдиқланган бўлса) кўрсатилган. [12]

Бундан кўриниб турибдики, таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш билан боғлиқ ҳолатлар бўйича ОИВга қарши тиббий текширувдан ўтиши лозим бўлган шахслар ғайриихтиёрий тарзда тиббий текширувдан ўтишдан бош тортса, қаршилиқ қилса ёки бўйин товласа ёхуд чақирувга биноан келмаса, терговга қадар текширув ҳаракатларини олиб бораётган мансабдор шахс, суриштирувчи, терговчи томонидан қарор чиқарган ҳолда уни мажбурий тартибда тиббий текширувдан ўтказиш ваколати мавжуд бўлсада, ушбу шахсларнинг жавобгарлик масаласини қонуний ҳал қилиш учун амалдаги қонунчилигимизда тегишли жавобгарликнинг ҳуқуқий асослари келтирилмаганлигини кўришимиз мумкин.

Шу боис, МЖтКнинг 58-моддаси қуйидагича 2-қисм билан тўлдириш таклиф этилади: “Терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарорига ёки суд ажримига кўра, шахснинг ғайриихтиёрий равишда таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСга тиббий текширувдан ўтишдан бўйин товлаши-

Базавайй ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача жарима солишга сабаб бўлади.”

Бешинчидан, маълумки, таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш билан боғлиқ жиноятлар бўйича терговга қадар текширув даврида касалликни ўзга шахсга юқтирган ёки юқтириш хавфи остида қолдирган шахс ҳамда унинг жинсий шериги (агарда эр-хотин бўлса), шунингдек жабрланган шахснинг тиббий ҳужжатлари (тиббий картаси, маълумотномаси, лаборатория текширув натижалари ва шу каби бошқа муҳим тиббий ҳужжатлари)да иш учун аҳамиятга эга бўлган маълумотлар қайд этилган бўлиб, уларнинг айнан қайсиларида ишга тааллуқли эканлигини аниқлаш, шунингдек уларни ўзгартириш ёки йўқ бўлиб кетишини олдини олиш, шу билан бирга ушбу ҳужжатларни тегишли процессуал тартибда қабул қилиб олиш мақсадида мутахассислар иштирокида олиб қўйиш ҳамда тегишли тартибда кўздан кечириш зарурати юзага келганлигини кўришимиз ва буни қуйидагилар билан асослашимиз мумкин:

- *биринчидан*, олинган материаллар, қоида тариқасида, уни текшириш учун бироз ҳаракат талаб қиладиган маълумотларни ўз ичига олади;

- *иккинчидан*, ушбу маълумотлар кўпинча тарқоқ бўлиб, етишмаётган маълумотларни олишга қаратилган қўшимча текшириш ҳаракатларини талаб қилади. Бир вақтнинг ўзида олинган маълумотларни ўрганиш ва қўшимча тиббий ҳужжатлар ва уларнинг маълумотларини излаш, топиш терговчи ёки суриштирувчининг ўзи томонидан амалга оширилиши анча қийинчиликлар келтириб чиқариши, шу билан бирга сифатсиз амалга оширилиши мумкинлигини инобатга олган ҳолда, уларни мутахассис билан бирга, унинг ёрдамидан фойдаланган ҳолда олиш мақсадга мувофиқдир;

- *учинчидан*, текшириш давомида ҳужжатларни кўздан кечириш ва таҳлил қилиш, уларни ўрганиш ушбу соҳада чуқур ихтисослаштирилган тиббий билимлардан фойдаланишни талаб қилади. Бу борада мутахассис билимидан фойдаланиш терговга

қадар текширув даврида, қолаверса тергов даврида шахсинг айблилик масаласини қонуний ҳал этишда, очилмаган жиноятларни фoш этиш ва тергов қилишга катта ёрдам бериши мумкин.

- *тўртинчидан*, 2021 йил 6 сентябрь кунги “Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекциясини олдини олиш чора-тадбирлари ва тиббий ёрдамни ташкил этишни янада такомиллаштириш тўғрисида” ги 219-сонли буйруғига 3-илова “ОИВ инфекцияси аниқланган ҳолатларда эпидемиологик суриштирув олиб бориш қоидалари”нинг 1-бандига кўра, ОИВ инфекциясини тасдиқловчи таҳлил натижасини олган ОИТСга қарши кураш марказининг лаборатория мажмуаси, ОИВ инфекцияси тасдиқланганлиги тўғрисидаги расмий хужжат-баённомани электрон нусхада ва имзолар билан тасдиқлаб, марказнинг эпидемиологик мониторинг бўлими ва поликлиника бўлимига тақдим этиши қайд этилган бўлиб, улар баённома асосида далил сифатида олиниши лозимлиги, бироқ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 август кунги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 24-сонли қарорининг 9-банди 15-хатбошисига кўра, рақамли (электрон) ташувчи жисмлардаги маълумотлар мутахассис иштирокисиз олиб қўйилганлиги ёки кўздан кечирилганлиги номақбул далил деб эътироф этилишига сабаб бўлиши кўрсатилган. [13]

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 69-моддасига кўра, тергов ва суд муҳокамасини ўтказишда далилларни топиш ва мустаҳкамлашда суриштирувчи, терговчи, прокурорга ва судга ёрдам бериш учун мутахассис чақирилиши мумкинлиги кўрсатилган бўлиб, [14] бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 август кунги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 24-сонли қарорининг 3-банди 4-кичик бандида эса “жиноят иши бўйича процессуал ҳаракатнинг мазкур жиноят ишини юритишни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан бажарилиши натижасида” олинганлиги унинг номақбул далил деб топилишига сабаб бўлиши кўрсатилган. [15]

Ўз-ўзидан юқорида қайд этилган иш учун аҳамиятли тиббий хужжатлар мутахассис иштирокида кўздан кечирилгач, улар бўйича судга оид хатшунослик экспертизасини тайинлаш зарурати юзага келган ҳолатларда тегишли шифокорлар, гумондор шахслар ва бошқа иштирокчиларнинг имзо намуналарини олишга эҳтиёж туғилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал қонунчилигининг 188-моддасига кўра, суриштирувчи, терговчи ёки суд тирик одамнинг, мурданинг, ҳайвоннинг, ўсимликнинг, буюмнинг, материалнинг ёки модданинг хусусиятларини ўзида акс эттирувчи намуналар олишга, башарти уларнинг эксперт текшируви эксперт олдида қўйилган саволларни ҳал қилиш учун зарур бўлса, ҳақли эканлиги қайд этилганлиги, ушбу Қонуннинг 329-моддасига кўра эса, терговга қадар текширув даврида экспертиза текшируви учун намуналар олиш мумкин эмаслигини кўришимиз мумкин.

Бу бўйича М.Д. Ботаев ҳам бу ҳақида экспертиза тайинлаш тергов ҳаракати терговга қадар текширув даврида ўтказилиши, бироқ мазкур экспертиза тайинлаш

учун зарур бўлган намуналарни амалдаги Жиноят-процессуал қонунчилигига кўра, жиноят иши қўзғатилганидан сўнг олиниши белгиланлигини, шу боис ушбу тергов ҳаракатини терговга қадар текширув даврида ўтказиш бўйича қонунчиликка ўзгартириш киритиш бўйича таклиф берган. [16]

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 188 ва 189-моддаларининг 1-қисмига “Терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахси”, жумласини қўшиш таклиф этилади.

Юқорида қайд этиб ўтилган таклиф ва тавсиялар келгусида ушбу турдаги жиноят ишлари бўйича шахсларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш, айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласини қонуний ҳал этиш ҳамда тергов сифатини оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Электрон манба: https://uza.uz/uz/posts/bugun-butunzhahon-oitsga-qarshikurash-kuni_430843. Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 2023 йил 15 март;
2. Электрон манба: <https://kun.uz/14550640>. Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 2023 йил 25 март;
3. Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги Тергов департаментининг 2023 йил 1 июнь кунги 18/3362-сонли маълумотномаси;
4. 2023 йил 20 январь кунги “Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касалликка қарши курашиш тизимини янада кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-14-сон қарори;
5. “Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (оив инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида” ги 23.09.2013 йилдаги 353-сонли ЎРҚ;
6. 2017 йил 12 июндаги “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида суриштирув ва дастлабки терговни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 100-сонли буйруғи;
7. “Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (оив инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида” ги 23.09.2013 йилдаги 353-сонли ЎРҚ;
8. ИИВ жиноий-ҳуқуқий статистика томонидан тақдим қилинган 2023 йил 12 апрель кунги маълумотнома;;
9. Ўтказилган анкета сўрови натижалари таҳлили.;
10. Public.uz сайтидан электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 2023 йил 17 март;
11. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик кодекси// <https://lex.uz/docs/111460> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 19.03.2022 й);
12. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик кодексига шарҳлар. ИИВ Академи\си, “Адолат” Т-2000.;
13. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 2018 йил 28 август кунги 24-сон Қарори;
14. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. “Адолат нашр”. Т., 2023.

15. М.Д.Ботаев дисс. “Терговга қадар текширув инстутини такомиллаштириш” Т., 2020.



INNOVATIVE
ACADEMY